

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“Қишлоқ ва сув хўжалигига давлат-хусусий шерикчилигини  
ривожлантиришнинг устувор йўналишлари  
ва амалга ошириш механизмлари”**

*мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманидаги*

**МАҶОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент - 2019 йил, 1-2 май**

**2 – ШЎЬБА. ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРДА ДАВLAT-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИ ҚЎЛЛАШ**

<b>№</b>	<b>Муаллиф(лар)</b>	<b>Макола номи</b>	<b>Бет</b>
1	N.Imomova – Ilmiy izlanuvchi, D.Qurbanaliyev – talaba	O’zbekiston qishloq xo’jaligida biogaz energiyasidan foydalanish	140
2	D.Rustamova – TIQXMMI katta o’qituvchisi, H.Iskandarov – talaba	Suv xo’jaligida innovatsion texnologiyalarning o’rnini	142
3	К.Бобонарова – ТИҚХММИ талабаси, Г.Ташходжаева – ТИҚХММИ асистенти	Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш	144
4	А.Табаев – ТИҚХММИ доценти, А.Кузибоев – талаба	Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланиш самарадорлиги	149
5	J.Xakimov – TIQXMMI talabasi	ASK logistikasida marketing va axborot texnologiyalarining ahamiyati	154
6	Д.Талипова – старший преп. ТИИМСХ, К.Мамедова – студентка ТИИМСХ	Развитие и внедрение инновационной техники и технологий в сельском и водном хозяйстве в условиях государственно-частного партнерства в узбекистане	156
7	B.Yo’ldoshboyev – TIQXMMI talabasi	O’zbekiston sharoitida suv resurslaridan oqilona foydalanish	161
8	В.Эрматов, Ф.Хўжақулов, Р.Рахматуллаев, У.Бабабеков ГДУ профессор ўқитувчилари, Д.Юлчиеv ТИҚХММИ асистенти	Муқобил энергия манбаларидан ва технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги ўрни ва истиқболлари	163
9	N.Akramova – assistant ТПАМЕ, G.Pirnazarova, J.Tashmatov – students	The improvement of the agricultural sector and the introduction of innovative technologies.	165
10	Р.Исройлов – Наманган мухандислик – технология институти доценти, и.ф.н., Р.Хожиматов – таянч докторант	Мамлакатимиз пиллачилик тармоғида кластер тизимини ташкил этишнинг зарурлиги	167
11	U.Fayzullayev – TIQXMMI talabasi	Suv xo’jaligida innovatsion texnologiyalarni joriy etish va bunda davlat-xususiy sherikligini qo’llash	171
12	А.Мадалиев – Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси	Агросаноат секторида рақамли иқтисодиётни ташкил этиш хусусияти	173
13	Э.Ботиров – ТДАУ доценти и.ф.н.	Аграр соҳада кластерни жорий этилиши – иш билан таъминлашнинг асосий воситаси	176
14	Д.Акабирходжаева – доцент Университета мировой экономики и дипломатии, Д.Турсунхужаева, студентка ТИИМСХ	Эффективное использование земельных ресурсов посредством возможностей информационных технологий	178
15	Ш..Маматқобилов – Ташкентский государствен-ный аграрный университет	Сущность инновационного менеджмента как процесса управления инновациями в целях обеспечения конкурентоспособности	181

Xulosa o'rnida shuni aytishim mumkinki, O'zbekistonning Markaziy Osiyo mintaqaviy ekologik markazi bilan hamkorlikda barqaror iqtisodiy rivojlanish bo'yicha amalga oshirayotgan loyihalari yuqori samaralar bermoqda. Suv xo'jaligi tizimida ham yaqin kelajakda muhim ijobiy natijalarni qo'lga kiritishimiz o'ylaymanki kishini hayratda qoldirmaydi.

### Foydalaniшган адабиётилар

1. <https://www.spot.uz>;
2. <https://www.xabar.uz>;
3. <https://www.uzhurriyat.uz>;
4. <https://www.lex.uz>;
5. <https://www.xalq-so'zi-internet-malumotlari.sahifasi>

**UDK: 621.3.031**

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Эрматов В., Хўжақулов Ф., Рахматуллаев Р., Бабабеков У.  
Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари,  
Юлчиев Д.Г. – Ирригация ва мелиорация кафедраси асистенти**

### Аннотация

Бугунги кунда табиий ресурслардан энергетика мақсадида фойдаланиш дунё миқиёсида долзарб ахамият касб этмоқда. Бунга дунё ахолисининг ўсиши ва инсониятнинг энергияга ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини йилдан-йилга ортиб бориши сабаб бўлмоқда. Табиий ресурслардан энергетика мақсадида фойдаланиш унинг заҳираларини сезиларли даражада камайиб боришига олиб келмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси мисолида ялпи ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 30,8 % қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда. Бу эса ўз навбатида кишилик жамиятининг олдига табиий ресурслардан энергетика мақсадида фойдаланишда келажак авлод манбаатларидан келиб чиқиқкан холда ёндашишни талаб этади. Ҳозирги кунда қазиб олинаётган нефть, табиий газ, кўмир, ва уран дунёда асосий энергия манбалари ҳисобланади. Бу энергия манбаларидан кенг миқиёсида фойдаланиш уларнинг заҳираларини камайишига олиб келмоқда.

Олимларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги суръатларда ишлатилганда дунёдаги қазиб олинаётган нефть заҳиралари 45-50 йилга, табиий газ заҳиралари 70-75 йилга, тош кўмир заҳиралари 165-170 йилга, қўнғир кўмир заҳиралари 450-500 йилга, Ядро энергия заҳиралари эса кўпроқ йилларага етиши мумкин экан.

Бу маълумотлар шуни тақазо этадики, мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-иктисодий ривожланишида, ўз ечимини топиши шарт бўлган вазифалардан бири бозор муносабатларини, ижтимоий сиёсатни ва муқобил энергия манбаларидан ва инновацион технологияларидан фойдаланиш муносабатларини уйғунлаштириш масаласидир.

Ҳозирги кунда муқобил энергия манбалари ва технологияларидан фойдаланишда шундай воситаларни топиш, улардан қонунларда белгиланган асосда фойдаланиш мамлакат иктисодиётини ривожлантиришга хизмат қиласи. Бундан ташқари муқобил энергия манбалари ва технологияларидан фойдаланиш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов "Осиё қуёш энергияси форуми" нинг олтинчи йиғилишидаги маърузасида саноатнинг ривожланиб бораётганини ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда 2013 йилга нисбатан 2 баробарга ошиши ва 105 миллиард киловатт/соатга етишини

такидлари ҳамда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича устивор вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика ресурслари бўйича ўз эҳтиёжини тўла таъминлай оладиган давлат хисобланади. Ҳозирги вқақтда бу таъминотнинг асосий қисмини, яъни қарийб 80 фоизини табиий газ, 7,6 фоизини нефть, 5 фоизидан ортигини кўмур ташкил этади. Сўнги 20 йилда мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқариш 3 баробарга ошиди. Мамлакат иқтисодиётини тўлиқ электр энергияси билан таъминлашдан ташқари уни қўшни давлатларга экспорт қилиш имконияти ҳам юзага келди. Бироқ ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 95 фоиздан зиёди табиий ёқилғилар бирламчи ресурси сифатида қўлланиладиган иссиқлик электр станцияларининг хиссасига тўғри келмоқда. Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 35,8 фоизини саноат тармоқлари, 9 фоизини транспорт, 6 фоизини қишлоқ хўжалиги, 37,8 фоизини аҳоли ва 11,4 фоизини коммунал хўжалик соҳалари истеъмол қилмоқда ва келгусида ёқилғи-энергия ресурсларига талаб ортиб бораверади.

Маълумотларга қараганда, айни вақтда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган барча энергиянинг 10,2 фоизи қайта тикланувчи қувватлар(сув, шамол, қуёш, тўлқин ва бошқалар.) хисобига тўғри келмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланган мамлакатларда углеводородли энергия манбаларини ўрнини босувчигина эмас, балки сайёрамиз худудларидаги аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал қилиб берувчи ва улар ишлатилаётган жойларда бандликни таъминловчи омил хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқ хисобланади. Анашу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда 2017 йилда истеъмол қилинган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергиясини ишлаб чиқариш мумкин.

Оддий бир мисол, биргина Қуёш ҳар куни курраи заминимизга шу даражада кўп иссиқлик ва ёруғлик юборадики, бу дунё аҳолиси йил давомида ишлатадиган энергиядан 20 баробар кўпдир. Маълумотларга қараганда ўтган йили жаҳон бўйича Қуёш станцияларида 120 млрд. кВт. дан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германияда ноанъанавий энергия улуши 2015 йилгача 15 фоизни ташкил этган бўлса 2020 йилга бориб эса 25 фоизга етказишни режалаштирил мўлжалланмоқда экан.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини ва технологияларини ривожлантириш катта саъй-харакатлар, куч-ғайрат, муайян сарф-ҳаражатларни талаб этсада, улар зое кетмаслиги, ўзини тўлиқ оқлашиамалиётда исботини топмоқда. Бугунги кунда бир киловатт-соат қуёш энергиясини ишлаб чиқариш таннархи 11-12 цент ёки ундан ҳам арzon нархларга тушиши ҳисоблаб чиқилган.

Қуёш энергияси экологик соғлиги ва қулайлиги нуктаи назаридан жуда истиқболлидир. Қуёш қурилмалари марказлашган электр ва иссиқлик тизимларидан узоқда жойлашган худудларни электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда жудаям фойдали ҳисобланади.

Умуман, ҳозир техник жиҳатдан Қуёш энергиясидан мамлакатимизда 179 млн. тонна нефть эквивалентига тўғри келадиган энергия олиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари мамлакатимизда шу сингари “яшил технологиялар”ни қишлоқ хўжалигида, энергетикада, чиқиндиларни бошқариш, транспорт, таълим ва фансоҳаларида кенг татбиқ этиш келгуси ўн йил ичida 550 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш имконини бериши мумкин.

Ҳозирги кунда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича Германия, Япония, Хитой, Малазия, Жанубий Корея, Испания ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Германия атом станцияларидан фойдаланиш воз кечмоқда, 2020 йилгача электр энергиясининг 20 фоизини муқобил энергиялишни режалаштирган, ҳар йили эса 100

минг уйнинг томини қуёш панеллари билан қопламоқда. Бу усулдан фойдаланиш ҳар томонлама қулай хисобланади, хонадон эҳтиёжини тўлалигича электр энергияси билан таъминлаш мумкин бўлади. Япония хукумати қуёш энергетикаси технологияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқкан. Умуман олганда, бугунги кунга келиб, жоҳонда қуёш энергияси ишлаб чиқарувчи кувватларни ўрнатиш 50 фоизга ортган.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисидаги фармон ва қарорлари мазкур соҳада муҳим ислоҳатлар даври бошланганидан далолат бермоқда ҳамда замонавий ёндашувни талаб этмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш келажак авлодга табиий ресурсларни қолдиришдан ташқари атроф муҳитга чиқаётган корбанат ангдрид газини камайишига олиб келади. Бу эса атроф муҳитни, хайвонот оламини жуда кўп хавфлардан сақлаб қолишида жуда яхши самара беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутки. 2013 йил
2. “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 ноябр 45-сон 1117-модда.
3. Холмўминов. Ж.Т. Таббий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-хукуқий муаммолари. Монография. Тошкент 2009йил.
4. [www.uzbekenergo.uz](http://www.uzbekenergo.uz).
5. [www.uzgeolcom.uz](http://www.uzgeolcom.uz).

## **THE IMPROVEMENT OF THE AGRICULTURAL SECTOR AND THE INTRODUCTION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES.**

Akramova N.A. – assistant "BHA" TIIAME

Pirnazarova G.U. – student TIIAME

Tashmatov J.Q. – student TIIAME

### **Annotation**

This article discusses the possibility of developing the legal, organizational, economic and technological foundations for the further development of the agricultural sector. The reform requires improvement of the mechanism of financing and crediting of rural producers, development and introduction of innovative technologies in agricultural infrastructure.

As you know, agriculture and water resources in Uzbekistan are the leading sectors of the country's economy. The rapid development of these industries in recent years in the field of foreign cooperation reflects the actual introduction and use of new techniques and technologies in the territory of Uzbekistan. Favorable natural and climatic conditions, as well as the strategy of development of the state in this direction contribute to the dynamic development of the agricultural sector: our land is grown fine, delicious, environmentally friendly products that are very popular in the world markets. The state of economic potential, the level of food security of the state and the socio-economic situation in society largely depends on the level of development of the agro-industrial complex (AIC).

The main task of the agro-industrial complex is to maximize the living standards of the population, increase employment and income of rural residents. That is why the first President of the Republic of Uzbekistan I. A. Karimov and the current President sh. M. Mirziyoyev one of the priorities of further deepening of economic reforms was set the task "...the implementation of a wide range of long-term, deeply interrelated measures aimed at radically improving the quality of life and appearance of the village, the accelerated development of social and industrial infrastructure, a radical revision of the status, role and importance of the owner, entrepreneurship